



# СССР ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ  
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши  
№ 239 (13.195).  
12 ОКТЯБРЬ  
1963 йил  
СЕШАНБА  
Баҳоси 2 тишим.

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА  
ГАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ  
ТЎҒРИСИДА 11 ОКТЯБРЬ-  
ГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

## ОБЛАСТЛАР

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун — областлар;  
иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун —  
мавсум бошидан; тўртинчи стун — бир кунда машинада  
терилган пахта; бешинчи стун — мавсум бошидан)

| Област                                                        | 1963 | 1962  | 1961 |
|---------------------------------------------------------------|------|-------|------|
| Тошкент                                                       | 1,99 | 95,13 | 1,70 |
| Қашқадарё                                                     | 1,28 | 85,24 | 0,16 |
| Сурхондарё                                                    | 2,32 | 80,35 | 2,75 |
| Фарғона                                                       | 1,43 | 79,64 | 2,60 |
| Бухоро                                                        | 1,10 | 78,89 | 0,40 |
| Самарқанд                                                     | 3,15 | 77,91 | 2,85 |
| Хоразм                                                        | 3,29 | 72,67 | 3,51 |
| Андижон                                                       | 1,74 | 71,80 | 2,32 |
| Сирдарё                                                       | 3,01 | 66,16 | 4,08 |
| Қорақалпоғистон АССР                                          | 2,07 | 64,57 | 2,16 |
| Ўзбекистон ССР бўйича:                                        | 2,12 | 76,32 | 2,56 |
| Республикада 10 октябрь кунини 76.234 тонна пахта тайёрланди. |      |       |      |

## РАЙОНЛАР

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун — областлар ва  
районлар, иккинчи стун — мавсум  
бошидан бугун тайёрланган  
пахта; учинчи стун — машин  
нада терилган пахта)

| Район           | 1963   | 1962   | 1961 |
|-----------------|--------|--------|------|
| ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ |        |        |      |
| ОРИННИКДЗЕ      | 109,21 | 108,30 |      |
| ОҚУРҒОН         | 101,86 | 122,69 |      |
| УРТА ЧИРЧИК     | 101,02 | 105,33 |      |
| ЮҚОРИ ЧИРЧИК    | 100,44 | 111,13 |      |
| Бўна            | 97,44  | 106,59 |      |
| Калинин         | 94,40  | 64,62  |      |
| Янгйўл          | 84,87  | 75,79  |      |
| Бенбод          | 80,04  | 83,84  |      |

## ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

|           |       |       |
|-----------|-------|-------|
| Ғузор     | 98,44 | 95,00 |
| Чирочи    | 95,92 | 23,46 |
| Шахрисабз | 93,79 | 34,61 |
| Янгибоб   | 92,11 | 27,54 |
| Қамаш     | 89,59 | 47,65 |
| Косон     | 77,34 | 51,84 |
| Қарши     | 62,18 | 30,05 |

## СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

|           |       |       |
|-----------|-------|-------|
| Шурчи     | 88,76 | 89,88 |
| Шеробод   | 82,60 | 42,77 |
| Сариосиё  | 81,76 | 91,56 |
| Денов     | 79,97 | 84,02 |
| Маркўрғон | 79,51 | 89,04 |
| Термиз    | 63,32 | 39,76 |

## ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

|            |        |        |
|------------|--------|--------|
| КИРОВ      | 108,82 | 103,55 |
| Ўзбекистон | 94,77  | 93,99  |
| Поп        | 87,75  | 92,04  |
| Ленинград  | 84,95  | 72,66  |
| Бағдод     | 81,19  | 53,36  |
| Олтинкент  | 69,55  | 55,90  |
| Оқунбобоев | 69,16  | 51,77  |
| Қува       | 65,04  | 74,59  |
| Фарғона    | 58,38  | 31,87  |

## БУХОРО ОБЛАСТИ

|          |       |       |
|----------|-------|-------|
| Бухоро   | 83,32 | 27,96 |
| Вобитен  | 82,19 | 16,73 |
| Киндўвон | 80,05 | 26,71 |
| Когон    | 79,50 | 34,03 |
| Ромитан  | 77,13 | 28,22 |
| Навоий   | 76,74 | 33,01 |
| Қорақул  | 73,47 | 22,22 |

## САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

|             |       |       |
|-------------|-------|-------|
| Нарпай      | 90,32 | 71,90 |
| Хатирчи     | 88,41 | 63,87 |
| Фалларол    | 81,58 | —     |
| Пайкент     | 81,27 | 64,76 |
| Иштихон     | 75,91 | 46,48 |
| Каттақўрғон | 74,87 | 50,73 |
| Булунгур    | 72,23 | 59,82 |
| Пастдарғом  | 67,05 | 37,62 |
| Самарқанд   | 55,55 | 60,43 |

## ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

|          |       |       |
|----------|-------|-------|
| Янгиерк  | 82,28 | 40,84 |
| Хазорасп | 78,65 | 50,09 |
| Шовот    | 74,63 | 64,29 |
| Хива     | 69,36 | 41,26 |
| Урганч   | 66,60 | 45,64 |
| Гурлан   | 60,60 | 37,39 |

## АНДИЖОН ОБЛАСТИ

|            |       |        |
|------------|-------|--------|
| Бўз        | 96,31 | 106,20 |
| Задарб     | 94,32 | 96,05  |
| Чуст       | 79,97 | 59,88  |
| Наманган   | 78,74 | 51,29  |
| Москва     | 74,65 | 62,09  |
| Баличи     | 73,37 | 77,95  |
| Ленин      | 71,49 | 38,52  |
| Янгйўрғон  | 71,28 | 57,95  |
| Избоскан   | 69,66 | 56,58  |
| Учқўрғон   | 68,20 | 52,72  |
| Хўнабод    | 67,88 | 54,49  |
| Андижон    | 66,91 | 25,63  |
| Қўрғонтепа | 55,03 | 57,04  |

## СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

|          |       |        |
|----------|-------|--------|
| Жиззах   | 77,35 | 100,46 |
| Пахтакор | 72,47 | 94,96  |
| Киров    | 70,13 | 91,83  |
| Бойвот   | 69,83 | 86,01  |
| Еттисай  | 62,82 | 71,11  |
| Сирдарё  | 62,41 | 74,12  |
| Гулистон | 59,81 | 76,20  |
| Ильич    | 54,77 | 84,33  |

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

|          |       |       |
|----------|-------|-------|
| Бируний  | 79,62 | 51,13 |
| Тўрткул  | 75,41 | 50,59 |
| Хўнайил  | 70,93 | 38,72 |
| Амударё  | 64,59 | 45,35 |
| Чимбой   | 51,62 | 29,23 |
| Қўнғирот | 50,60 | 46,30 |
| Кейайил  | 46,34 | 50,69 |

## Тошкент области машина терими планини бажарди

Тошкент областининг механизаторлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар 135 минг тонна ўришга 136 минг 389 тонна пахта-ни машиналарда териб, бу соҳадаги планини республикада биринчи бўлиб, 101,03 процент бажаришга эришдилар.

Машинада пахта теришда Оқ-қўрғон районининг механизаторлари айниқса катта ғалабани қўлга киритдилар. Бу ерда булнелардан пландаги 38,00 тонна ўришга 40,489 тонна пахта тўғилди. Буналик механизаторлар салкам 50 процентини машинада териб олиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилган эдилар. Бу мажбурият шараф билан бакардилар.

Область совхозларининг ютуғи ҳам катта бўлди. Совхозлар 44,700 тонна ўришга 45,829 тонна пахта-ни машинада териб, тошкентини 102,53 процент адо этишди.

Область хўжаликлариди, машина терими қизғин давом этмоқда.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети сентябрь (1963 йил) Пленумининг саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисидаги Қарорини бажариш юзасидан ана шу масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилдилар.

«Саноатни бошқаришни яхшилаш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда саноатни бошқарувчи органлар системасини ўзгартириш соҳасида кенг равишда маълум бўлган тадбирлар билан бир қаторда янгидан тузилган СССР министрликлари ва бошқа баъзи давлат бошқарув органлари ишининг асосий йўналишлари белгилан берилди.

Қарорда кўрсатиб ўтилгандек, СССР иттифоқ-республика ва умумиттифоқ министрликларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Халқ хўжалигининг ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун иқтисодий меҳнатни яқини борида жуда оз сарфлаган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

давлат плани тошпирилгани бажариш;

капитал маблағлардан рационал фойдаланиш, шундай маблағларнинг самарасини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш ва уларни қисқа муддатларда ўзлаштириб олиш;

ягона техника сисмати ўтказиш ва ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси юксак бўлишига эришиш;

корхоналарни ва ташкилотларни малакали ходимлар билан таъминлаш ва ана шу кадрлардан туғри фойдаланиш ҳамда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш тадбирларини ўтказиш.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ишлаб чиқаришга, шунингдек саноатнинг тегишли тармоқларидаги илмий тадқиқот, конструкторлик ва лойиҳачилик ташкилотларининг фаолиятига раҳбарликни СССР министрликларида марказлаштириш зарур, деб топилади.

Саноатни тармоқ принципи асосида бошқаришга ўтказишнинг муносабати билан белгилан қўйилдики, СССР иттифоқ-республика ва умумиттифоқ министрликлари саноат тармоқларини ривожлантиришга ажратилган моддий техника ресурсларини бошқарувчи бўладилар, моддий техника таъминоти планлари эса «Главснабсит»лар ва моддий техника таъминоти территориял органлари системаси орқали амалга ошириб борадилар.

СССР Министрлар Советининг янгида ташкил қилинган Моддий техника таъминоти давлат комитети зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

Моддий техника таъминоти планларини амалга

ошириш ва тармоқларнинг бир-бирига кооперация усулида маҳсулотлар етказиб бериб туришини таъминлаш;

СССР Госплани тақсимлаб бермайдиган маҳсулотни истеъмолчиларга тақсимлаш, шундай маҳсулотни ишлаб чиқариш плани тегишли министрликлар томонидан тасдиқланади;

маҳсулот етказиб бериш планларининг министрликлар, идоралар ва маҳсулот етказиб берувчи корхоналар томонидан ўз вақтида бажарилишини контроль қилиб бориш;

моддий техника таъминоти системасини ва органларини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

СССР Министрлар Совети Моддий техника таъминоти давлат комитетининг ўз компетенциясига кирган масалаларга тааллуқли фармойишлари министрликлар ва бошқа ташкилотларнинг иккиро этиши учун мажбурийдир.

СССР Министрлар Советининг Давлат план комитети халқ хўжалигини ривожлантиришни КПСС Программасига ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг директиваларига мувофиқ равишда умумдават миқёсида планлаштириб бориш, шунингдек халқ хўжалиги планларининг бажарилишини контроль қилиб туриши керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети саноатни бошқаришни яхшилаш соҳасида ўтказиладиган тадбирлар мамлакат иқтисодининг янада ривожлантириш учун социалистик хўжалик системасининг афзалликларида янада тўлароқ фойдаланишга ёрдам бериши лозим, деб ҳисобладилар. Янги шароитда ишлаб чиқаришга конкретроқ раҳбарлик қилишни, уни узулқисс равишда таркомлаштириб боришни, фан ва техниканинг жорий қилини, меҳнатни илмий негизда ташкил этиш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини оширишни ҳамда меҳнат унумдорлигини янада ўстиришни таъминлашга даъват этиб тузилган саноат министрликларини бу ишда катта роль ўйнашлари керак. Қадрлар билан ишлашни яхшилашга, ишлаб чиқариш ходимларининг ташаббускорлигини ва иқтисодий активлигини бутун қоралар билан кучайтиришга, давлат ва ишлаб чиқариш иттизомини янада мустақамлашга, қарорларнинг ижросини ташкил этишни ва ижроси текширишни такомиллаштиришга ҳамда ўзига тошпирилган иш учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жи-

ҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»ги қарориди саноатга планли раҳбарлик қилиш методларини қуйидаги йўсинда ўзгартириш кўзда тутилди:

Давлат планларини марказлаштирилган тартибда тузишни корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги кенг ташаббускорлиги ва саноат ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш билан тўғрироқ боғлаб олиб боришни таъминлаш;

тўла хўжалик ҳисоби асосида корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш. Ишлаб чиқаришнинг самаралари олган ва корхонанинг ресурслари ўзига сайин ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ходимларини рағбатлантириш учун корхоналар иқтисодида қодирладиган маблағлар миқдорини қўпайтира бериш;

корхоналарнинг фаолияти натижаларига сотилган маҳсулотга, олинган фойлага (ишлаб чиқаришнинг рентабеллигига) қараб ҳамда маҳсулотнинг энг муҳим туғриларини етказиб бериш соҳасидаги тошпирилгани бажарилишига қараб баҳо бериш; саноат ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашни фақат уларнинг яқини қилган меҳнати натижаларига эмас, балки корхоналар ишнинг умумий якуналарига ҳам бевосита боғлиқ қилиб қўйиш;

ўзаро моддий жавобгарлик принципини корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга негиз қилиб олиш. Маҳсулот тайёрлаб берувчи корхоналар билан истеъмолчи корхоналар ўртасида доимий бевосита алоқаларни ривожлантириш. Хўжалик шартномаларининг ролини ошириш.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системалари корхоналарнинг коллективларини ишлаб чиқариш фондларидан, ишчи кучидан, моддий ва молия ресурсларидан тўла фойдаланишни, ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштиришни ва маҳсулот сифатини яхшилашни кўзда тутувчи каттароқ план тошпирилгани тузиб олишдан манфаатдор қилинган бўлиши керак.

Ишлаб чиқаришни янада ўстириш ва унинг самараларини ошириш, халқ хўжалигини пропорионал ривожлантириш манфаатларини қўллаб, марказлаштирилган планлаштириш янада такомиллаштириш, молия, нарх, кредит ва меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида давлатнинг ягона сисмати ўтказиш асосида саноат ишлаб чиқаришга планли раҳбарлик қилишдаги иқтисодий методларнинг ролни ошириш ва корхоналарнинг хўжалик ишлариди мустақиллиги кенгайтирилиши керак.

Мазкур қарорда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш пухта тайёргарлик қўришни талаб қилади. Шу муносабат билан бу тадбирларни асосини ўтказиш зарур, деб топилади, токи бу тадбирлар 1966 йилда саноатнинг айрим тармоқларида амалга оширилсин. 1967—1968 йилларда эса кор-

хоналар саноат ишлаб чиқаришнинг планлаштириш ва рағбатлантиришнинг янги системасига тўлиқ ва ҳамма жойда кўчирилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети белгиланган тадбирларни амалга оширишга ҳалқ хўжалигига энг муҳим вазифа эканлигига бариҳа партия, хўжалик, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг эътиборини жалб қилдилар.

Планлаштиришнинг такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришнинг моддий техника базасини яратиш, илмий даромаднинг ўстириш суръатларини тезлаштириш ва халқнинг турмуш даражасини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам бериш. Бу тадбирларни амалга ошириш билан соҳадиги хўжаликни юртдашнинг шахсий моддий манфаатдорлигини коммунистик жамият актив қувватларини юксак даражадаги олғиллиги билан қўшиб олиб боришга асосланган ленинча принциплари янада ривожлантирилмоқда.

Хўжаликни юртдашнинг иқтисодий методларини юқори қилиш ишлаб чиқаришни бошқаришни янада демократлаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг ролини ва иқтисодий активлигини ҳар тарафлама ошириш билан узвий равишда боғлангандир.

Партия, хўжалик, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари планлаштиришнинг такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришнинг рағбатлантиришнинг иқтисодий методларини кучайтириш соҳасидаги тадбирларни ўтказишни ўз диққат марказига қўймоқлари, корхоналарнинг ходимларини ўз ичига янги натижалари ва бутун коллективнинг иш учун ўз юксак буриш ва масъулиятини ҳис этиш руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишчи кучайтирмоқлари, кенг ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар оммасининг техника тараққийини маддаллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самараларини ошириш учун мавжуд резервлардан фойдаланишда актив иштирок этишини таъминламоқлари лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети хўжалик ва маданий дураллишга тааллуқли бир қанча масалаларни қўшмача равишда иттифоқ-республикалар Министрлар Советининг ҳал қилишга тошпирилгани кўзда тутувчи қарор ҳам қабул қилдилар.

Бундан ташқари, СССР Министрлар Совети социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлади ва амалда жорий қилди. Бу Низом корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда уларнинг хўжалик соҳасидаги ташаббускорлиги ва мустақиллигини кенгайтиришга қаратилган.

# КПСС ХХII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА!

## ТЕРИМ ИЛГОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР



Комсомол аъзоси Тўхтажон Рўзиматова илгор теримчи сифатида фақат Урганч райониди Нариманов номи колхозига эмас, балки бутун Хоразмда донг таратган. У ҳар кун ичига 270-280 килограмм «оқ олтин» териб тўплайди. Хоразмга унинг терган пахтаси 13 тоннадан ошиб кетди. Суратда: ўртоқ Т. Рўзиматова. Ш. Раҳимов фотоси.

## ЎРТА ЧИРЧИК ВА ЮҚОРИ ЧИРЧИКЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИЛАР

Ўрта Чирчиқ районининг колхоз ва совхозларини яхши ўтказиш учун курашмоқдалар. Пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари — 10 октябрда муваффақиятли бажардилар. Давлатга 51 минг тонна юқори сифатли пахта сотилди. Тайёрланган пахтанинг 25 минг тоннадан юқуриги «зағори немалар» бункиридан тўғилди. Пахта териш ва тайёрлаш давом этмоқда. Район пахтакорлари Улуг Октябрь байрамнинг 48 йиллиги кунигада давлатга пландан ташқари яна 10 минг тонна «оқ олтин» сотишга қарор қилдилар.

Районда пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилишига Оқунбобоев номи, Николаева-Терешкова номи, «Поллярная звезда», «Ленин йўли», Калинин номи колхозлар ва Киров номи совхоз коллективлари салмоқли ҳисса қўйишди. Шунингдек, район хўжаликлари давлатга юн, тукум, поллиз экинлари маҳсулотини, мева ва узум сотиш планларини ҳам бажардилар.

Ўрта Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари пахта ва бошқа экинлар ҳосилини сира нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш, давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотиш тошпирилганини тўла-тўқис адо этиш, шугорлашни ўз вақтида ўтказиш, чорва молларини озунқа билан тўла таъминлаш ва уларнинг

## ХУШ КЕЛИБСИЗЛАР, ЎЗБЕК ЭЛИГА

Совет ҳукуматининг тақлифига биноан, мамлакатимизга таширф буюрган Дания Бош Министри Енс Отто Круг 11 октябрда Уралдан Ўзбекистонга келди.

Дания Бош Министри ва унинг рафицаси Келле Виршер Круг билан бирга Даниянинг СССРдаги элчиси Кристиан Д. Хольтен-Эгерт, Бош Министр махкамаси департаментининг бошлиғи Эйгил Норгенсен, Ташқи ишлар министрлиги мажбурут ва информатсия бўлимининг бошлиғи Кай Йохансен, Ташқи ишлар министрлиги иқтисодий-ишчи бўлимининг бошлиғи Урибосари Х. Е. Тривинг, Ташқи ишлар министрлиги сийёсий-юрдик бўлимининг бошлиғи Пер Троот, бошқа расмий кишилар, шунингдек Дания журналистларининг бир гуруписи ҳам келишди.

Хурматли меҳмоннинг мамлакат бўйлаб қилаётган таширфиди СССР министри С. М. Тихомиров, Совет Иттифонининг Даниядаги элчиси К. Д. Левич

Енс Отто Круг Тошкентда келиш билан ўз ҳамроҳлари — Дания давлат арбоблари билан биргаликда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Наеридинова ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қўрбанов хузурида бўлди.

Визит вақтида дўстона суҳбат ўтказилди. Шундан кейин даниялик меҳмонлар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар ва шаҳардаги янги қурилганларни заиф билан қўздан кечирдилар.

Кечқурун Дания Бош Министри Енс Отто Круг ва унинг ҳамроҳлари Навоий номидаги Ўзбек академик опера ва балет театрида «Мириндодина» спектаклини томоша қилдилар. Театр залидида томошабинлар даниялик меҳмонларни саломатий табриқладилар. Спектаиль бошлангичидан оддин Дания, Совет Иттифони ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнлари ижро этилди. (ЎТАГ).







## АРЗОН ВА СИФАТЛИ ПАХТА УЧУН

Қўриқ ер деҳқонлари мўл «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишда ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётirlар. Бунинг сирлари областадаги 1-«Бойвут» совхози масоили билан ҳам бўлади.

Совхоз пахтазорларида ўндин ортқ «Зангори кема» икки сменада ишлаб, кунига хирмонга йиллик планнинг 22,5 проценти миқдорда «оқ олтин» ўтқмоқда. Я. Дусатов, Ш. Туронов каби «зангори кема» капитанлари пахтали тез ва сифатли терилшда бошқаларга нобрат бўлмоқдалар.

Совхозда пахта тайёрлаш планининг бажарилишини тезлаштиришда кўпнинг килограммчи теримчиларнинг ҳиммати катта бўлатири. Л. Аҳмадхонова, Ж. Тангиркулова, Н. Асатуллаева, Р. Маматкулова сингари юзлаб чевар теримчилар мавсумда

ал хирмонига 12-15 тонна «оқ олтин» тўкиш иштиёкида меҳнат қилмоқдалар.

Шундай қилиб, совхознинг «Коминтерн» бўлими ишчилари пахта териш ва тайёрлашда пешқадамлик қилаётirlар. Совхоз пахтакорлари ҳосилининг ҳаммасини тайёрлов пунктларига қопқанориз етказиб бермоқдалар. Бу тadbир пахта таннархини анча камайтириш билан бирга меҳнат унумдорлигини 1,5-2 җисса ошириш имкониятини бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг сентябр Пленуми қарорларидан руҳланган совхоз пахтакорлари мамлакатимиз саноати учун кўпроқ юқори сифатли пахта етказиб беришга ҳаракат қилаётirlар.

К. ЭШОНОВ.



Я. НИЯУЛ районидagi «Интернационал» колхозида машина терими оммавий тус олди. Суратда: мавсумда «зангори кема» бункеридан 100 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олган илгор механик-ҳайдовчилардан (чапдан) В. Нерозник, А. Узаиров, Р. Муродов, бригада бошлиғи И. Ҳайдаров ва механик-ҳайдовчи А. Аббасов. А. Аббасов фотоси.

## МАЖБУРИЯТ ҲИСОВИГА

Совхозимиз пахтакорлари суя камчил бўлган бу йилги шариқта мардонавор меҳнат қилиб, далада мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Пахта йиғим-теримига ҳар йилгидан кўра барвақт тушилиди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга мурожаати бизнинг 7-бўлим ишчиларини ҳам, янги зафарларни эгаллашга руҳлантирди. Йиғим-теримни райога биринчилар қатори бошлаган эдик. Ишчиларимиз зўр ушқоқлик ва жасорат кўрсатиб ишлаганликлари туфайли пахта тайёрлаш плани 25 иш кунига бажарилиди. Ой-батанга 1700 тоннадан зиёд биринчи сорт пахта топширилди.

Планинг бажарилишида кўпнинг килограммчи теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Механик-ҳайдовчиларимиз Муҳаммад Барноев, Убайдулла Нарзиёв, Турди Ғадоев, Яд Панолев

ларнинг хизмати мақтовга лойиқдир. Улар «пўлат отларни» моҳирона бошқариб, хирмонга барака киритдилар. Ҳозиргача уларнинг ҳар бири 60 тоннадан «оқ олтин» териб топширдилар.

Далапаримида хали ҳосил кўп. Уни йиғиб олишда қолдирмай тез йиғиштириб олишда ҳамма баравар қатнашмоқда. Чунки, М. Барноев, О. Хайитов, Е. Жаббаров, О. Рустамов ўртоқлар бошқиб юқори ҳосилли бригадалар қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топшираётirlар. Мазкур бригадаларда ҳозиргача ҳар гектар ердан 27-30 центнердан «оқ олтин» йиғиб олди. Мўлжал гектар бошига 35-40 центнер ҳосил кўтаришди.

Биз йиғим-терим ишларини янада жадаллаштириб давлатга планда ташқари 500 тонна «оқ олтин» етказиб берамиз.


Н. ОЛИМОВА,

Бухоро области, Ромитан районидаги «Ромитан» совхозини 7-бўлимнинг бошлиғи.

## МАШЎАЛЛАРА РАПОРТ БЕРМОҚДАЛАР

## МАРРА—35 ЦЕНТНЕР

Бу йил биз 2500 гектар майдонда пахта етиштирилди. Колхозимиз фақат Йил-заҳ районидagina эмас, балки Сирдарё областада биринчи рапорти берди. Ҳар гектар ердан ҳозирнинг ўзидек 29 центнердан ортқ пахта териб олди ва давлатга 7000 тонна юқори сифатли «оқ олтин» сотилди. Бу муваффақиятини кўлга киритишда механизаторлар катта роль ўйнади. Улар 37 «зангори кема»ни унумли ишлатиб, 2300 тонна пахта териб берди. Ёш механизатор, колхоз қишлоғидаги мактабнинг 11-синф ўқувчиси Тоир Ҳамроқулов механизаторлар муسابақасига бошчилиқ қилди. У ўз машинаси бундан 138 тонна пахта тўқди. Эшонкул Туробов, Файзул Тошпулатов, Карим Муминов ўртоқлар каби илгор механик-ҳайдовчилар ҳам 100-110 тоннадан пахта теришди.



Раҳматиллаев бошқиб бригадада пахтакорлари ҳам ҳосилини нуқул машинада тердилар ва планини 5 иш кунига бажаришди. Ҳамроқулов бошқиб бригадада 35 центнерга етказиб ҳақида сўз бердилар. Чунки ҳали далада ҳосил мўл. Уни йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш худди алгаридек ҳозир ҳам тез суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Х. НОСИРОВ,

Жиззах районидagi «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳмони.

## ФИДОКОРОНА МЕХНАТ САМАРАСИ

Колхозимиз «азолари йил бўлиб фидокорона қилган меҳнат яхши натижа берди. 1240 гектар майдонда мўл ҳосил унди. Бунинг боиси шундиги, суя намчил ва ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ бўлишига қарамай, ҳар гектар ерда 90-95 минг тун кучат то ҳосил пилигунча тўла сақлаб қолди. Ҳар бир тун тўла олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил барпо қилинди.



Етиштирилган мўл ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш юксак ушқоқлик ва тез суръатлар билан давом эттирилди. Шу туфайли йиллик пахта тайёрлаш плани муддатидан илгари — 10 октябр кунини муваффақиятли адо этилди. Давлатга 2300 тонна аёло сифатли пахта сотилди.

Хосия йиғим-теримини тезлаштириш учун олиб борилган курашга механизаторлар қанот бодилдилар. Улар терим машиналарини тўла қувват билан ишлатиб, 1500 тонна пахта териб бердилар. Абдурабоб Қодиров, Абдурахим

А. ОРИКОВ,

Калинин районидagi «Ленинизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## ЗАФАР ХАБАРЛАРИ

## ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН

Пахта даладаридан кундан-кунга кўпроқ хўшхабарлар оқиб келяпти. Ҳа. Йиғим-йиғим пахтакор хўшхалликлар, районлар пахта тайёрлаш йиллик плани шараф билан бажарилигани ҳақида бирин-кетин галаба рапорти бермоқдалар. Редакция ана шундай галабаларни кўлга киритишга муносиб җисса қўшган механик-ҳайдовчилар фаолиятини ҳикоя этувчи кўплаб хат-хабарлар олиб турибди.

Пахта териш ва топширишда пешқадамлик қилаётган Тошкент областининг Бекобод райони хўшхалликларда терим суръати тобора ортаб борапти. Шу райондаги 1-«Давларин» совхозининг 7-бўлимида кўпнинг килограммчи раҳматиллаев оммавий тус олаётир. Қ. Холон, Х. Абдушукурова сингари неча ўнлаб чевар теримчилар ҳар кун хирмонга 160 килограмм ва ундан ошириб пахта тўқияпти. Шу ҳақида пахта бозор бўлим даладарига жавлон ураётган 13 «зангори кема» терим суръатига суръат қўшаётган тўғрисида ҳикоя қилади.

— Янгийер районидagi 1-«Бойвут» совхозининг азамат ишчилари, — деб ёзди ўртоқ Х. Зиркиллаев, — кунига тайёрлов пунктларига йиллик планининг 4 проценти миқдорда пахта ўнлаб муваффақ бўлишайтир. Хўшхаллик пахтакорларида 124 терим агрегати унумли ишлайётган суръатини тез ўсишига ижобий таъсир кўрсатапти.

Андижон области, Хўжабод районидagi «Ленинград» колхозининг ошатиб механизаторлари, — деб ёзди ўртоқ Р. Солиев, — 1,5 минг тонна пахта терим агрегати бункерларидан тўқимокчи. Шу кунларда пахта даладарига 14 «зангори кема» тинмай гурилляпти. Аҳлида солиқ механизаторлар ҳар кун 45-50 тонна пахта теришди, деҳқонларнинг оғирини енгил қилишайтир. Б. Махмудов, Х. Фозилов, В. Пулдошев, А. Музалов ўртоқлар ҳам Задар, Чуст, Ленин районлари хўшхалликларда йиғим-терим суръати жадаллашайтирлигини билдирганлар.

Киров райони Фарғона областадаги азамат, республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш плани бажарилигани тўғрисида зафар рапорти берди. Э. Музалов, А. Тошпулатов, Қ. Узаиров, И. Шомираев ўртоқлар ҳам Хатларда район хўшхалликлари пахтакорларининг меҳнатлари мадҳ этилди. Р. Раҳмонов, Б. Шокиров ва бошқа газетхонлар аса терим суръатини оширишга интилайтган Ўзбекистон район хўшхалликлари пахтакорларининг зафарлари тўғрисида ёзди.

Гўлқудон тўғрисида ўртоқ И. Қаландаровнинг маълум қилишлари, «Зафар»нинг колхозининг 17-бригадаси бошлиғи ўртоқ Туробов терим агрегати миқдорини билан бошқариб, таҳсинга сазовор иш қилмоқда. Мавсумда 120 тонна пахта териб беришга бел боғлаган ме-

## КПСС XXIII съезди шарафига

Қўқондаги «Большевик» механика заводининг ишчи ва инженер-техник ходимлари партиянинг Марказий Комитети сентябр Пленуми қарорларидан илҳомланиб баранали меҳнат қилмоқдалар. Корхона азаматлари қишлоқ хўжалик заҳарларини бажаришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳозиргача ака-ука Биковлар сушилкаси учун 180 барабан тайёрланди. Планта қўшимча равишда яна 10 та куриш барабани ишлаб чиқарилади. «Большевик» заводи ишчиларининг ҳаммаси — Қўқондаги электр машинасозлиғи заводининг меҳнатсепар аҳли ҳам — сентябр Пленуми тарихий қарорларини азмалга ошириш учун қон куйдириб ишламоқда. Рағбат медаллари совуқ ҳолда пайдаланиш учун янги машина ишлаб чиқариш ўрнатилди. Бу суръатини машина мамлакатимиз корхоналарида ҳам, Англия, Австралия, Франция каби чет эл мамлакатларида ҳам қўлдан олишга асосланган тажриба пехида аса рағбат медалларини электр пайдаланаш йўли билан узайдиган янги машина яратилмоқда.

Ғофур ЛАТИФ, инженер.

Жарқургон қидирув-разведка контрасаннинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты Парда Алибоев бошқиб бригадаси азаматлари йиллик пармадаш ишлари планини муддатидан илгари бажаришди. Бригада пармакашлари умумий узунлиги 5 минг метр бўлган разведка қудуқлари қазидилар. Планда ташқари 450 метр чуқурликда қудуқ қазилди. Норкул Сатторов, Тўра Бекназаров, Абдурахмон Нейматов сингари «зор олтин» изловчилар айниқса унумли ишладилар.

М. ДАВРАЕВ, ишчи.

«Етти йилнинг сўнги йилида ҳам йил меҳнат зафарларини кўлга киритамиз!» Наманган шаҳридаги трансформатор заводи ишчиларининг аҳли ана шундай. Қўлга киритилган ютуқлар трансформаторларнинг суян билан иш билангидан далолат беради. Социалистик муسابақада пешқадамлик қилаётган трансформатор цехининг меҳнаткашлари 9 ойлик планини ортиги билан бажаришди. Собир Исҳоқов, Шукр Мухамедов, Турсун Абдуҳақоров каби ишчилар ноябр-декабрь ойи ҳисобига махсуслот тайёрламоқдалар.

А. НАВИХУЖАЕВ, «Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз муҳбири.

«Фергананефтегаз» бирлашмасига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасининг бинокорлари объектларни тез, соҳ қуриб доғ қиқармоқдалар. Чорқоч участкасида ишлайтган қурувчилар йиллик топширини муддатидан олғи йилари адо этишди. 3 минг кубометр ҳақидаги нефть йиғиш парни ҳамда нефть қуиш эстакадалари аёло ва яхши баҳолаб терилан қабул қилиб олди.

М. ЯНГИБОВ, Р. СОЛИЕВ.

Николай АНИСИМОВ, экономика фанлари кандидати. (АПН).

## ВАЪДАСИГА ВАФОЛИ АЗАМАТЛАР

«Бутур пахта тайёрлаш йиллик планини районда иккинчи ўринда бажарган эдик. Бу йил узғи билан 10 октябрда бажаришнинг дилимизга тўғиб қўйдик».

Хурматли газетхон, сиз бу сатрларни газетанинг 2 сентябр соида Андижон области Чуст районидagi «Коммунизм» колхозининг раиси Ф. Эргашевнинг «Ҳосил қарвонлари» сарлавҳали мақоласида ўқиган эдингиз.

«Коммунизм» колхозининг ваъдасига вафоли азаматлари 10 ок-

тябрда давлатга пахта сотиш йиллик планини бажаришлари тўғрисида галаба рапорти берди. Ишонинг пухта ташкил этилганлиги, теримнинг қатъий графикаси асосида олиб борилгани ана шундай аниқ ишлаш имконини берди. Колхоз минг гектар ернинг ҳар гектаридан 21 центнердан ҳосил кўтарди. Пахтакорлар мавсум охиригача ҳар гектар ердан яна 5-6 центнердан хирмон кўтариш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Бу — тоғли ердаги колхоз учун катта ҳосилдор.

Колхознинг айрим бригадалари

ҳосилдорлигини 30 ва 35 центнерга етказмоқдалар. К. Давлатов, С. Эшонов, Д. Тўйчиев ўртоқлар бошқиб бригада аъзолари аса пахта тайёрлаш планини бажаришлари ҳақида рапорт бериб, эндиликда юксак мажбуриятни ҳам урдадаш учун астойдил ишламоқдалар. Бу бригадаларнинг азамат пахтакорлари ҳар гектар ердан қандам 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Колхозда пахта тайёрлаш қизғин давом этмоқда.

С. КАРОМАТОВ.

## СУШИЛКАЛАР ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСИН!

Ҳозир Ўзбекистон пахтазорлари учун шундай бир манзара ҳарактерли бўлиб қолди. Ям-яшил дала... Икки-уч кундан кейин қарасангиз, уни тани олмайсиз — оппоқ бўлиб қолган. Бу — кузнинг иши эмас, балки хамиянинг иши. Заҳарли модда сочилган барг тезда тўқилиб кетди, тўда қолиб турган қўшқарларнинг ўзи қолиб, қўзми қамаштирди.

Мўл ҳосил ҳали далада турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг мурожаатидан илҳомланган қишлоқ меҳнаткашлари янги тезроқ йиғиштириб олиш, Ватанга ҳар қандай пахта эмас, балки яхши пахта бериш иштиёки билан жавлон ўрмоқдалар.

Далалар гажим бўлиб қолди. Пахта ортилган автоповозлар республика йўлларидан пайдар-пай ўтиб турибди. Қабул пунктларида азамат гарамлар тез қад кўтермоқда. Ортиқчи кутилган териш палласи даладарага, пахтазор йўлларга, тайёрлов пунктларига ўз сепини ёзди. Мўл ҳосил етиштириш учун катта маҳорат лозим бўлса, шу ҳосилнинг тезроқ териб олиш ва бир чигитини ҳам нобуд қилмай гарамларга ташиб бериш учун ҳам юксак маҳорат керак. Бинокорлар, деҳқон ҳар кун эрталаб чанокларга қўл узатар экан, феъли бузуқ эмасмикин, деб осмонга бир назар ташлаб қўяди.

Осмоннинг феъли ҳали айниқса йўқ. Ортиб ёздиладек чарқаб турибди. Утган йили ҳам, бу йилги йилларда ҳам куз мана шундай қуруқ ва иссиқ келган эди. Куз республика пахтакорларига ҳосил теримини сарфлаш билан ўтказишда кўмаклашувчи бўлиди. Лекин баъзи бинокорлар бу йил кузнинг бундай тентилигини мўл, беғамликча тўшиб ҳам қолди. Бир қанча колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари сушилкаси эсдан чиқариб қўйишди. Масалан, Фарғона областада 271 та сушилкадан атиги 50 таси ишга тахт қилинди, холос. Самарқанд ва Бухоро областадаги сушилкаларнинг бешдан бир қисми ҳам тайёр эмас. Бу ердагилар нимига умид боғлашайти? Яхши об-ҳавога. Бахтга қарши ёғинғарчилик бошланиб берса-чи! Маълумки, ёғинг қўпична сира қутилмаган вақтда қўйиб беради.

Бу йилги кузнинг қандай бўлиши ҳусусида синоптиклар бир-бирига қарама-қарши маълумотларни айтишляпти. Ўзбекистоннинг илгор колхозлари бу саволга енг тўғри жавоб топиб қўйишди, десак аниқлишмайми. Улар терим ерфасидек 800 та сушилкани, кўплаб асфальтланган хирмон

жойларни тахт қилиб қўйишди, ёғинғарчилик эҳтиётлига қарши бостирмалар қуришди. Андижондаги «Правда Востока» колхозини фарғоналик новаторлардан ака-ука Биковлар яратган конструкция асосида жуда катта сушилка агрегати қуриб олди. Бу сушилка бир соатда ўн тоннагача, бир келича-кундузда аса, икки юз тоннагача нам пахтани қуриб беради. Сушилканинг печлари эрон табиий ёқилғи — газда ишлайди. Батарелларга пахта ташлаш ва пахтани олиш машиналаштирилган.

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида янги сушилка қуваётларини тезроқ ишга тушириш учун минг ишлар қилинмоқда! Биз қишлоқда сушилка хўжалиғи билан шуғулланувчи республиканинг бир қанча ташкилотларига ана шу саволни бердик.

— Колхозлар билан тузилган шартномалар асосида, — деди «Ўзгаволхозстрой» бошлиғининг ўринбосари И. К. Земский, — биз ака-ука Биковлар конструкциядаги 49 та сушилкани ўтган йилиб қура бошлаган эдик. Ҳозир 25 та агрегат тайёр бўлди. Шахрисабз районидagi «Ленинизм», Шўрчи районидagi Жданов номи колхозларида ва бошқа хўжалиқларда қулиб батареялар барпо этилди. Қолган йигирма тўртта ҳозирча «челан» турибди.

Шуларни жиқлаш учун транспортлар, трансформаторлар, вентиляторлар, электр ускуналар керак. Бу нрсаларни «Ўзсельхозтехника» топиб бериши лозим. Асфальтланган хирмон жойлар пахта қуришда катта иш беради. Афсуски, баъзи хўжалиқларнинг раҳбарлари бунини менсимайтилар. Шундай раҳбарлар ёғинғарчилик бошланди дегунча, автомобиль йўлларини тўсиб қўйиб, пахта қуриш ҳақида буйруқ берадилар. Натижада йўлдаги қатновга халал етди, транспорт қўллаб тўхтаб қолади. Ҳар бир пахтакор хўжаликда олти юз квадрат метр асфальтланган хирмон-жой бўлиши шарт. «Ўзгаволхозстрой» трестининг коллективи бундай хирмон жойлар тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажарибди. Жамин бўлиб тўрт юз минг квадрат метр, янни топширишда мўл жаллангандан 90 минг квадрат метр кўп хирмон жойлар барпо этилди. Шундай қилиб, пахтакорлар қўшимча равишда қарий етти юзта хирмон-жойга эга бўлишди.

«Ўзсельхозтехника» ходимлари ўз ваъдаларини қандай бажаришмоқда! — Бизга сушқилик билан ишлайсизлар, деб таяна қилишляпти, — деди сушқилик бошида республика «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси раисининг ўринбосари У.

Исомхон, — Колхоз ва совхозларни эҳтиёт қилмас ва ускуналар билан таъминлаш борасида кўп нарсаси таъминотчиларга, боғлиқ эмас. Таъминот масалаларига давлат манфатлари нуктадан назардан ёндошмоқ керак. Баъзи нрсаларининг марказдан юборилишини кутиб ўтирмай, ўзимиз шу ердан қидириб топишимиз зарур. Масалан, колхоз ва совхозларни транспортлар билан таъминлаш масаласи ҳақида қилинди. Чунки, галла махсуслотлари ва Аралаш озуқа саноати министрлиги бизга юзта механизм ажратиб берибди. Тўғри, бу механизмларнинг лентасини таъминлаш лозим керак. Лента дон узатишга мослаштирилган, бизга аса пахта узатадиган лента дерек. Ленини ўзгартириш технологияси ишлаб чиқилди.

Камбэ трансформаторларини алмаштириш чорасини ҳам топдик. Унта қўйма электр станция ажратдик.

Қишлоқда икки мингдан ортқ қишлоқ газ сушилкаси бор-у, шуларнинг ремонт қилиш учун «Ўзсельхозтехника»да зарур ускуналар йўқ, деб биздан гина қилишди. Ҳўш, ҳозир нима керак? Вентилятор, металл тўрлар керак. Лекин бу нрсалар бирашма баъзиларида тиклаб ётибди. Колхоз ва совхозлар 450 та вентилятор, девяри бир ярим минг квадрат метр тўр ва бошқа ускуналар олди.

Ҳўш, совхозлар сушилка мавсумига қандай ҳозирлик қўрляпти?

Совхозларда ака-ука Биковлар конструкцияси асосида 12 та сушилка қурилди, қолган 39 таси ҳали қуриб битказилгани йўқ, — деди республика қишлоқ хўжалик министрлиги капитал қуриш бошқармаси ишлаб чиқарш бўлимининг бошлиғи Н. В. Бобров. — Транспортерлар, трансформаторлар, валлар, электр ускуналар йўқ. Ҳалқ хўжалиғи кенгашининг тайёрлов пунктларидан ишга яроқсиз, баланддан чиқариб ташлашга тегиш бўлган транспортерлар топилди. Шуларни ишга мослаштириш мумкин.

«Хўва деган билан оғиз чучимас» деганлариди, об-ҳаво ҳамма вақт ҳам қутилмайдик яхши бўла бермайдик. Энг муҳими — ҳосилини ҳамма қилиш учун керакли нрсаларни галлаб қўйиш керак. Пахта теримини сушилкалар ремонтига моҳирлик билан қўшиб олиб бораётган республикадаги илгор колхоз ва совхозлардан ўрник олиб, барча сушилкаларни ҳамма жойда тахт қилиб қўйиш зарур. Куз минг қилганда ҳам, кузнини қилади.

Г. КИРХАДЖИ,

ЎзАГ муҳбири.

## СССРДА ПАХТАЧИЛИК ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ўрта Осиё Совет Иттифонининг пахтакор райони, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон иттифоний республикалари аса асосий пахта етиштирувчи районларидир. Бу экин Қозон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Арманистон ССРда ҳам қисман етилди. Совет Иттифонини пахта етиштириш ҳажми бўйича жаҳонда Америка Қўшма Штатларидан кейин иккинчи, гектариди олинадиган ҳосил жиҳатидан биринчи ўринда туради.

СССРда йилдан-йилга кўпроқ пахта етиштирилмоқда. Азمو пахтага бўлган эҳтиёж ҳам тўғрисида ошмоқда. Совет ҳукумати 1970 йилда колхоз ва совхозлардан сотиб олинадиган пахтани 6 миллион тоннага етказиш учун барча иқтисодий ва таъкил чораларни қўрмоқда. (1964 йилда 5,28 миллион тонна пахта тайёрланган эди). Бу қандай чоралар?

Авалло, аски пахтакор районларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Ўрта Осиёда катта ирригация системалари қуриляпти. Пахтазорларини сугориш учун Миразчул, Қорақум, Қарши чўллари ва Ўрта Осиёнинг бошқа районларида янги каналлар барпо этилди.

Иккинчидан, ҳозирги бўш етган мингларча гектар янги ер ўзлаштирилди. Масалан, Тожикистонда қуриляптиган гигант Нурек электрстанцияси Ўзбекистон ва Тожикистон ССРда 1,2 миллион гектар янги ер очиб имконини беради. Туркманистондаги Қорақўл каналининг янада кенгайтирилиши бу республикада яна 600 минг гектар янги ерни хўжалик оборотига киритиш имконини беради.

Учинчидан, пахта ҳосилдорлигини ошириш учун ўзлаштирилган ерларни яхшилаш, сугорилишнинг прогрессив системасини жорий этиш, ортидан, ва минерал ўғитлардан рационал фойдаланиш, экинларни қишлоқ хўжалик зараркундаларидан сақлаш, уруғчиликни намунали таъкил этиш каби резервларини ҳаммасидан тўлароқ фойдаланиш.

Ҳозир махсуслот етиштириш кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш деҳқонлар ва механик-ҳайдовчиларнинг моддий манфаватларини оширишга катта аҳамият беришмоқда. Пахтанинг фойдаланиш тарқалиш юлҳоз ва совхозларга хўжалиқни репарта олиб бориш, кўп даромад кўтаришга имкон бе-

ради. Ўрта Осиё ва Закавказьеда миллионларча деҳқонларнинг фаровон ҳаёт кечираётганининг сабаби ҳам ана шундир. Масалан, Тожикистон қишлоқ хўжалигининг ўзи фақат ўтган йили республика тайёрлов пунктларига ярим миллиондан ортқ пахта топшириб, 314 миллион сўм даромад қилди.

Бу йил Совет Иттифониди деҳқонлар учун қийин йил бўлди. Деҳқонлар ва механик-ҳайдовчилар юқори ҳосил кўтариш учун астойдил меҳнат қилиб ишладилар. Ҳозир СССРда айни йиғим-терим қизган пайт. Терим қийинчиликларни энди кўпроқ машиналар зиммасига юклятиляпти. Бу йил фақат Ўзбекистон ССРнинг даладарига 20 минг пахта терим машиналари ишлаб гурибди. Республика колхоз ва совхозлари ҳозирнинг ўзидек давлат оморига 2,5 миллиондан ортқ «оқ олтин» тўқидилар. Бу йил СССРда пахта мўл бўлди. Ўзбекистон пахтакорлари 3 миллион 650 минг тонна, Тожикистон — 545 минг тонна ва Туркменистон — 470 минг тонна пахта сотишга аҳд қилганлар.

Азмо пахтани сотиб олиш баҳоси пасайтирляптигани йўқ, аксинча Совет ҳукумати бу қийматли хом ашёни етиштириш ва уни давлатга сотишни қўлайлаштиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаватлар



